

8-1-2018

THE OPPORTUNITIES OF USING INTERNATIONAL EXPERIENCES TO ORGANISE STATE AND CORPORATIVE PURCHASE

D. Gofurov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Gofurov, D. (2018) "THE OPPORTUNITIES OF USING INTERNATIONAL EXPERIENCES TO ORGANISE STATE AND CORPORATIVE PURCHASE," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Гофуров Д. Б. – ТМИ,
таянч докторант

ДАВЛАТ ХАРИДИ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИДАН Фойдаланиш имкониятлари

Мақолада дунёнинг тараққий этган ва ривожланган мамлакатлари Буюк Британия, Жанубий Корея ва Австралия сингари давлатларнинг давлат харидлари тизими ва бу соҳадаги тажрибаси ҳамда уларнинг қонунчилиги назарий жиҳатдан ўрганилган.

Таянч сўзлар: Давлат хариди, давлат буюртмачиси, давлат харидларининг субъектлари, давлат харидлари тўғрисидаги шартнома, махсус ахборот портали, харид қилиш тартиб-таомили, электрон давлат харидлари, харидлар тўғрисида эълон.

В статье исследуется система государственных закупок развитых стран мира как Великобритания, Южная Корея и Австралия, а также теоретически изучается законодательство и опыт в этой области.

Ключевые слова: Государственная закупка, государственный заказчик, субъекты государственных закупок, договор о государственных закупках, специальный информационный портал, закупочная процедура, электронные государственные закупки, объявление о закупке.

The article examines the system of public procurement of known countries of the world such as Australia, Great Britain and South Korea, and also studies the legislation and experience in this field.

Key words: State procurement, state customer, public procurement entities, public procurement contract, special information portal, procurement procedure, electronic public procurement, procurement notice.

Кириш

Дунёнинг тараққий этган ва ривожланган мамлакатларида давлат харидлари, шу жумладан давлат харидлари хизмати борасида кўп йиллик назарий-услубий ва амалий тажриба тўпланган. Шунингдек, хорижий мамлакатларда давлат харидларини тартибга солишга оид мустақам қонунчилик базаси яратилган. Уларнинг қонунчилигини ўрганиш, ўз навбатида, Ўзбекистонда ушбу муносабатларни ривожлантириш ва тартибга солишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида электрон аукцион савдоларини ташкил этиш орқали давлат хариди ва корпоратив харидларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун ҳукуматимиз томонидан уларни такомиллаштириш чоралари кўрилди, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича идоралараро тендер комиссиялари, яъни ихтисослашган тармоқ эксперт кенгашлари ташкил этилди. Давлат ва корпоратив харидларни ҳамда тендер савдоларини ташкил этишнинг амалдаги

тартиби замонавий талабларга жавоб бермаслиги, турли хил коррупция кўринишлари учун шароит яратадиган кўплаб келишиш жараёнлари, бир-бирини такрорлайдиган тартиб-таомиллар ва сансалорлик ҳолатларининг мавжудлиги сабабли мазкур ҳолатлар жуда мураккаб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида Ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва Давлат харидлари ягона ахборот порталини яратиш белгиланганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида давлат хариди ва корпоратив харидларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланганлиги бирмунча эскириб қолган тизимни тубдан янгиланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. [1]

Бюджет маблағларининг самарали сарфланиши ҳар бир давлатнинг ҳар қандай даврдаги муҳим масалалардан биридир. Давлат хариди ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш ушбу масалаларнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади. Жамият талабларини қондириш ва устувор миллий лойиҳаларни амалга ошириш каби давлатнинг муҳим функцияларини бажаришга давлат харидлари сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Давлат харидлари тизими ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш воситасидир. Давлат харидларининг мамлакат иқтисодиётдаги ролини барқарор бўлмаган иқтисодий шароитда баҳолаш қийин.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда давлат хариди тизимини такомиллаштириш халқаро тажрибаларни ўрганиш ва энг яхши жаҳон амалиётини қўллашга йўналтирилган. Мақсади ва принциплари (рақобат, ошкоралик, объективлик, самарадорлик) умумий бўлишига қарамасдан замонавий йўналишдаги давлат хариди тизими ҳар бир давлатда турличадир. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам, бу тизимдаги аниқ муаммоларни ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қараб аниқлаш мумкин.

Европа Иттифоқида прогрессив давлат харидлари тизими амал қилади ва куйидаги йўналишларнинг афзалликларидан фойдаланилади: [2]

- электрон воситалардан кенг фойдаланиш;
- кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш;
- товарларнинг тўлиқ ҳаётийлик цикли ҳисоби;
- ижтимоий меҳнат муносабатларини қўллаш;
- экологик талабларга риоя қилиш;
- коррупцияга йўл қўймаслик;
- харид иштирокчиларига расмий талабларни камайтириш;
- назорат қилишнинг мослашувчан меъёрий-ҳуқуқий усулини ишлаб чиқиши.

Давлат хариди тизимида ислохотлар олиб бораётган давлатлар ўзларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўзига мос йўналишларни танлаши мумкин. Энг яхши амалиётни танлаш ва қонунчиликни уйғунлаштириш ва бирлаштириш учун қўллаш мумкин бўлган жаҳон амалиётини батафсил ўрганиш талаб қилинади.

Жаҳонда иқтисодий интеграциялашуви жараёни кучайган даврда кўплаб тадқиқотчилар томонидан қиёсий таҳлил усули қўлланилади, бу усул давлат харидлари соҳасини ҳам четлаб ўтмаган. Қиёсий таҳлил тадқиқотлари давлат хариди тизимини ривожлантиришнинг замонавий йўналишларини тушуниш, муаммоли жиҳатларни аниқлаш, муқобил ечимни топиш ва энг яхши амалиётни танлаш учун қиёсий таҳлил усули етарли даражада қулай бўлган усулдир. Жаҳонда давлат харидлари тизимини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалардан бири Жаҳон банкининг “Давлат хариди тизимининг қиёсий таҳлили” лойиҳаси аҳамиятга моликдир. Маълумотларнинг шаффофлиги, давлат харидларига оид бўлган рискларни камайтириш учун жуда муҳим. Шаффофлик тадбиркорлик субъектлари ва кичик бизнес вакилларининг барча имкониятлар тенг бўлган рақобат муҳитида рақобатлашишида муҳим роль ўйнайди. Шунини таъкидлаш жоизки, халқаро амалиётга мувофиқ давлат хариди тизимини қиёсий таҳлил қилишда 3 та асосий мезон мавжуд, улар:

- мавзунинг мазмуни - яъни маълумотларнинг тематик ва таркибий қамрови;

- методологик – сўровномаларни ишлаб чиқиш ва йиғиш;

- чекловлар – маълумотларни талқин қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ.


Таҳлилни амалга ошириш учун маълумотларни йиғиш бир неча босқичдан иборат бўлиб, маълумотларни ишончилигини текшириш механизми ишлаб чиқилади. Харид иштирокчилари билан интернет ёки телефон орқали ахборот алмашиш натижасида, маълумотларни йиғиш босқичлари ўртасидаги фарқларни камайишига эришилади. Мутахассисларнинг кенг қамровли изланишлари ва таҳлиллари асосий натижалар, шунингдек, маълумотлар сифатини таъминлашга хизмат қилади.

Жаҳон банки томонидан қиёсий таҳлил ўтказиш учун маълумотларни ҳар йили янгилаб бориш режалаштирилган (1-расм).

Давлат харидларида ошкоралик тамойиллари асосий ўриндалигини халқаро ҳужжатларда ҳам кўришимиз мумкин. БМТнинг коррупцияга қарши курашиш конвенцияси, UNCITRAL (“United Nations Commission on International Trade Law” БМТ комиссиясининг халқаро савдо тўғрисидаги) қонуни, товар ва харид ошкоралигини ошириш принциплари, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг давлат харидларида шаффофлик стандартлари каби халқаро ҳужжатларда шаффофликни ошириш ва ривожлантириш бўйича стандартлар келтирилган. [4]

Давлат хариди тўғрисидаги умумий маълумотларнинг шаффофлиги ва ошкоралик даражасини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Махсус регламентлар, йиллик харид режаси, тузилган шартномалар, ҳамкорлик имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар ва харидлар статистикаси

маълумотлари шаффофлик ва ошкоралик даражасини белгилаб беради. Масалан, Саудия Арабистонида барча давлат тендерларини икки маҳаллий газетада ва электрон ахборот воситаларида расман эълон қилинади. Ҳозирги вақтда G20 аъзоси бўлган кўплаб давлатларда харид қоидалари ва тендер қатнашчиларининг умумий маълумотлар интернет орқали эълон қилинади.



1-расм. “Давлат хариди тизимининг қиёсий таҳлили” лойиҳасининг йиллик цикли [3]

Масалан, Австралияда харидлар тўғрисида ҳукуматнинг “Харидлар ҳақида маълумот бериш тизими” (AusTender) орқали харид маълумотлари эълон қилинади. Ҳукуматнинг харидлар ахборот тизими (AusTender)да тузилган шартномалар, мамлакатнинг харид имкониятлари ва йиллик харид режаси ҳамда товар ва хизматлар етказиб берувчиларининг олдиндан тасдиқланган рўйхати ва тузилган шартномалар бўйича маълумотларни эълон қилишлари шарт. Австралия давлат хариди тартибига мувофиқ, давлат корхоналари 10 000 Австралия доллари миқдорига шартнома шартлари ҳукуматнинг харидлар ахборот тизими (AusTender)да эълон қилишлари талаб этилади.

Шунингдек, 2005 йилда қабул қилинган “Давлат органлари ва компаниялар тўғрисида”ги қонунга мувофиқ равишда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ҳам баъзи шартномалар ва янги таклифлар бўйича маълумотларни нашр этишлари лозим. AusTender веб-сайтида шартномалар тўғрисидаги билдиришномалар, стандарт харид режалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳам кўриш мумкин.[5]

Масалан, шартномада келтирилган ҳисоб маълумотлари, онлайн режимида бўлган шартномалар, харидни амалга оширувчи ташкилотлар, харид методи, шартномалар суммаси ва амал қилиш муддати ҳамда шартномалар тавсифи, шунингдек, етказиб берувчилар тўғрисидаги маълумотларни кўриш мумкин. Бундай маълумотларни: бўлимлар вақт оралиғи, нархи, категорияси, махфийлиги, етказиб берувчиларнинг давлат реестридаги номи ва рақами, ҳисобот тури бўйича кўриш мумкин. Бундан ташқари, умумий миқдори ва нархи тўғрисидаги қисқача маълумотларни ҳам кўриш мумкин.



2-расм. AusTender тизимидан олинган умумий маълумотлар[6]

AusTender тизимидан олинган умумий маълумотлар, Молия Вазирлигининг расмий сайтида ҳам мавжуд. Бу маълумотларни юқорида келтирилган чизмада кўришимиз мумкин. (2-расм)

Харид имкониятлари, тендер савдолари учун ариза бериш муддатлари, танлов ва баҳолаш мезонларини онлайн тарзда эълон қилиш харид жараёнига бўлган ишончни кучайтиришга ва рақобатни оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, G20га аъзо бўлган давлатларда харид жараёнининг шаффофлигини ошириш учун шартнома тузиш бўйича қарорларни ўрганиш, харид қатнашчиларига бу қарорлар қандай қабул қилинишини тушунтириш орқали

¹ www.finance.gov.au сайтидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

амалга оширилади. Бу амалиёт маҳсулот етказиб берувчилар ишончини оширади. Шунингдек, харид жараёни адолат тамойилларига мувофиқ амалга оширилиши етказиб берувчиларни кейинги харидларда иштирок этишларини таъминлайди. G20га аъзо бўлган давлатларнинг деярли барчасида харид шартномаларини тузиш бўйича қарорлари онлайн тарзда эълон қилинади.

Канада, Буюк Британия, ва АҚШ каби давлатларда харид жараёни иштирокчиларига шартнома тузиш ва қарор қабул қилиш бўйича суҳбат ўтказилади.

Буюк Британиянинг оғзаки дебрифинги - Буюк Британиянинг амалдаги қоидаларига биноан шартнома қиймати Европа Иттифоқининг харидларни амалга ошириш лимити (қиймати)дан ошган номзодлар учун дебрифинг ўтказилади. Шунингдек, белгиланган лимити (қиймати)дан кам бўлган шартномалар учун ҳам тезкор дебрифинг ўтказиш тавсия этилади.

Дебрифинг – шахсан, телефон ёки видеоконференция алоқа орқали, шартнома тузилганидан сўнг 15 кун ичида ўтказилади. Дебрифинг сессиясига харидларда иштирок этган харид жараёнининг етакчи ходимлари раислик қилади. Дебрифингга муҳокама қилинадиган масалалар асосан харидларнинг моҳиятига боғлиқ бўлади. Лекин дебрифинг сессияси ўзининг маълум бир тизимига эга: *Биринчидан*, томонлар бир бирларига маълумот бергандан сўнг, харидларни баҳолаш ва танлаш жараёни очик ойдин тушунтирилади; *Иккинчидан*, томонлар бир бирларини яхши тушунишлари учун етказиб берувчи таклифининг кучли ва заиф томонлари таҳлил қилинади. Таҳлил якунида етказиб берувчининг жараёнга бўлган фикри сўралади, мавжуд бўлган ҳар қандай муаммо ёки саволни кўтариши талаб этилади. Энг муҳими, барча босқичларда бошқа аризалар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш таъқиқланади. Дебрифинг жараёни якунида баённома расмийлаштириб қўйилади.

Дебрифинг харид қоидалари ва ошкоралик тамойилларига мувофиқ ташкил этилган бўлса, етказиб берувчини жараён тўғри амалга оширилганлигига ишонтара олса дебрифинг самарали ташкил этилган дейиш мумкин. [7]

Электрон харидлар – ахборот ва коммуникация технологияларини давлат харидлари жараёнида қўллаш, яъни харид жараёнига қўшилишни осонлаштириш ва рақобатни кучайтириш воситасидир. Бу технология маъмурий тўсиқлар камайиши ҳисобига харажатларни ва харид жараёнини қисқартиришга ёрдам бериши мумкин.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг кўпчилигида оддий ва стандарт товарларни харид қилиш учун электрон харид платформалари яратилган. Самарадорлик жиҳатидан электрон харид тизимининг афзалликлари харидларда ошкоралик даражасини ошириш учун ҳам фойдаланилади. Бу тизим давлат хизматчилари ва потециал етказиб берувчилар ўртасида ноқонуний алоқалар қилиш имкониятини камайтиради.

Қуйида Жанубий Кореянинг давлат харидлари хизмати (The Korean Public procurement service) томонидан бошқариладиган электрон харидлар тизими KONEPSнинг тавсифини кўришимиз мумкин.



3-расм. Давлат харидлари хизмати (PPS)нинг функциялари [8]

Жанубий Кореяда давлат харидларининг ошкоралиги 2000 йилларининг бошида миллий харид тизими жорий этилганидан сўнг бошланган. 2002 йилда Жанубий Кореянинг давлат харидлари хизмати (PPS) ва марказий ташкилот агентлиги KONEPSнинг тўлиқ интеграциялашган электрон харид тизимини ишга туширди. Бу тизим барча харид жараёнини электрон тарзда амалга ошириш (тендерда иштирокчиларини бир вақтда рўйхатдан ўтказилиши, шартномалар ва тўловларни) ва ҳужжатлар алмашинувини онлайн тарзда амалга оширилади. Барча зарурий маълумотларни олиш, кенг қамровли хизматлар кўрсатиш, маълумотларни автоматик тарзда тўплаш, шунингдек, тендер иштирокчиларининг малакаси, етказиб бериш ва тўловларни электрон тарзда амалга ошириш учун 140 дан ортиқ ташқи тизимларга уланади ва керакли маълумотларни етказиб беради. Бундан ташқари, тизим керакли маълумотларни реал вақт оралиғида олиш имконини беради.

Давлат харидлари хизмати (PPS)нинг асосий вазифаси бу – давлат бошқаруви учун ресурсларни харид қилиш ва уларни бошқариш орқали иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшиш ҳамда миллий бюджет харажатларини қисқартириш, шунингдек, миждозларга сифатли хизмат кўрсатишдан иборат. Бу миссия бир бирига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган турли функциялар орқали амалга оширилади (3-расм)

Давлат харидлари хизмати (PPS) бу функцияларни ижросини таъминлаш учун бир қатор харидларга оид бизнес жараёнларни олиб боради. Товар ва хизматлар ҳамда резервлаш (жамғариш) функциялари учун, бу жараёнлар логистика менежменти ва таъминот жараёнларини ўз ичига олади. Қурилиш ишларини амалга ошириш функциясини бажариш учун эса давлат харидлари хизмати (PPS) лойиҳа бошқаруви хизматлари ва умумий лойиҳа харажатларини кўриб чиқишни ўз ичига олувчи кенг кўламли бизнес хизматларини таклиф этади.

Барча давлат ташкилотлари KONEPS тизимида тендер тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишлари шарт. 2014 йилда давлат харидларининг умумий ҳажмининг 62,7 фоизи (ўртача 106 миллиард АҚШ доллари) KONEPS тизими орқали амалга оширилган [10].

KONEPS тизимида рўйхатдан ўтказилган 45 000 та давлат ташкилотлари, 244 000 та рўйхатдан ўтган маҳсулот (товарлар ва хизматлар) етказиб берувчилари билан ўзаро муносабатда бўлишади. Давлат харидлари хизмати (PPS)нинг маълумотларига кўра, бу тизим харидлар самарадорлигини оширган ва транзакцион харажатларни қисқартишга ёрдам берган.

Бундан ташқари, давлат тендерларида иштирок этувчиларнинг сонини оширишга имкон берди. Шаффофликни ошириш, ноқонуний йўллардан фойдаланиш ва коррупцияга йўл қўймаслик ва уни бартараф қилишга ҳам самарали сезиларли даражада ўз ҳиссасини кўшган.

Жанубий Кореянинг коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича комиссияси KONEPS ишга туширилгандан сўнг виждонлилик бўйича баҳоланганида давлат харидлари хизматининг фаолияти максимал 10 баллик баҳодан 6,8 балл, KONEPS тизими ишга туширилгандан сўнг 8,52 баллга кўтарилган [11].

Электрон сертификатларни қарзга олиш амалиётда мавжуд бўлган энг асосий муаммо ҳисобланади. Бу рискни камайтириш мақсадида 2010 йилда давлат харидлари хизмати (электрон савдо тизимида) бармоқ изи орқали таниб олиш хизматини ишга туширди. Бу тизимда ҳар бир фойдаланувчи фақат битта компания номидан иштирок этиш мумкин, бу эса хавфсизликни биометрик белгилар орқали таъминлаш имконини беради. Бармоқ изи ҳақидаги маълумот фақатгина тегишли етказиб берувчининг файлида сақланади, бу эса ўз ўрнида ҳукумат томонидан шахсий биометрик маълумотларни сақлашга доир ҳар қандай низоларни олдини олади.



4-расм. Жанубий Корея Давлат харидлари хизмати (PPS)нинг таркибий тузилиши [9]

2013 йилнинг июль ойига келиб бу тизим KONEPS орқали маҳсулот (товарлар ва хизматлар) етказиб бериш ва қурилиш лойиҳаларини сотиш бўйича ўтказилган барча маҳаллий ва давлат тендерларида қўлланилган.

2014 йилда давлат харидлари хизмати хавфсизлик белгиларидан ва иловалардан фойдаланган ҳолда смартфонлар орқали тендерларда иштирок этиш хизматини ишга туширган.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида кўрсатилган маълумотлардан шуни англашимиз мумкинки, G20 га аъзо бўлган давлатларда ва Еврапа Иттифоқининг деярли барчасида давлат харидлари ошкоралик ва, айниқса, шаффофлик принципларига таяниб амалга оширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам давлат харидлари жараёнини тартибга солувчи муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 2018 йилнинг 25 январида қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун жорий йилнинг 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан маъқулланди ва 10 апрель куни расман эълон қилинди ва кучга кирди, шунингдек, соҳа ривожига учун зарур бўлган қарорлар қабул қилинмоқда. Бу соҳага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенгроқ жалб қилиш ва уларнинг бу соҳадаги билим ва кўникмаларини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Буюк Британия, Жанубий Корея, Австралия ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг давлат ва корпоратив харидлари бўйича амалиётини кўриб чиқар эканмиз, юртимизда бу соҳани янада такомиллаштириш учун тараққий этган ва ривожланган мамлакатлар амалиётини қўллаш зарур эканлигини тушунишимиз мумкин.

Иқтисодиётни инновацион ривожланиши даврида давлат харидларини амалга ошириш бўйича янги дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ҳужжатлар сонини камайтириш, харид жараёнининг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг асосий меъзонидир. Давлат хариди соҳасини ривожлантириш борасида мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ва кўриляётган чоралар соҳа ривожига эришишда асосий омил бўлиб қолмоқда. Айни пайтда кўриляётган чоралар салмоғини янада ошириш, давлат хариди ва корпоратив харидлар жараёнини янада такомиллаштириш, бу орқали эса давлат ва хусусий сектор ўртасидаги, ҳамкорлик имкониятларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, хорижий мамлакатларнинг, шу жумладан, Буюк Британия, Жанубий Корея, Австралия каби давлатларда давлат хариди тизимининг фаолияти, хусусиятлари, функциялари, вазифалари, ваколатлари ва давлат учун аҳамияти борасидаги илғор тажрибаларини чуқур ўрганиш ҳамда улар орасидан мамлакатимизга мос келадиганларини танлаш ва қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бу соҳадаги тадқиқотларни кенгайтириш ўзининг ижобий натижаларини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. ПҚ-3237, "Халқ сўзи", 2017 йил 24 август, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 28 август, 34-сон, 885-модда.

2. Государственные закупки: направления развития. Обзор международных практик и анализ ситуации в Российской Федерации / сост. Е. Абрамова, Б. Ткаченко. – Москва: Сектор, 2015. – 11 с.

3. Государственные закупки: направления развития. Обзор международных практик и анализ ситуации в Российской Федерации / сост. Е. Абрамова, Б. Ткаченко. – Москва: Сектор, 2015. – 11 с.

4. <http://rru.worldbank.org/Public-Procurement>

5. www.tenders.gov.au/event=public.reports.list

6. www.finance.gov.au сайтидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

7. ОЭСР (2007 год), Добросовестность в государственных закупках: надлежащая практика от А до Я, «OISD publishing», Париж, <http://dx.doi.org/10.1787/9789264027510-en>.

8. The Korean Public Procurement Service: Innovation for effectiveness © OECD 2016.

9. The Korean Public Procurement Service: Innovation for effectiveness © OECD 2016.

10. Корея Республикасининг Давлат харидлари хизмати (PPS) маълумотлари.

11. Корея Республикасининг Давлат харидлари хизмати (PPS) маълумотлари.